



Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2026 йил 19 февраль, пайшанба, №19 (3665).



»» Президент

БУНЁДКОР ВАТАНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

Kazinform. Чемпион зобит ва ҳарбий хизматчилар Бауржан Мўмишули номидаги II даражали "Айбын" ордени, "Ҳарбий жасорати учун" медали ҳамда Қозоғистон Президентининг ташаккурномаси билан мукофотланди.

Президент сўзларига кўра, мусобақада иштирок этган жамоалар – Қозоғистоннинг энг кучли қўшинлари бутун дунёга қаҳрамонлик руҳини намоён этиб, мамлакатимиз обрўсини халқаро сахнада мустаҳкамлади ва бу ҳақиқий бунёдкор ватанпарварлик намунаси сифатида эътироф этилади.

– Мамлакат шарафини ҳимоя қилиб, сизлар бу нуфузли мусобақада муносиб галабага эришдингиз. Бу орқали осмон каби мовий байроғимиз ғурур билан сарбаланд этилди, Ватанимиз нуфузи янада юксалди. Биз сизлар билан фахрланамиз! – деди Президент.

Дубайда ўтказилган турнирда дунёнинг 48 мамлакатидан 100дан зиёд энг кучли жамоалар иштирок этди. Беш кун давомида иштирокчилар оғир синовлардан ўтишди. Президент таъкидлаганидек, қўшинларимиз ҳақиқий ирода, юксак тайёргарлик ва юқори касбий маҳоратни намоён этди.

Мамлакатимиз учун тарихий аҳамиятга эга натижага ҳам эришилди: миллий жамоамиз – "Kazakhstan C" абсолют чемпионлиқни қўлга киритса, "Kazakhstan A" иккинчи ўринни эгаллади. Хотин-қизлар жамоаси "Томирис" эса энг юксак малака ва галаба иродасини намоён этиб, аёллар ўртасида голиб бўлди.

– Бу галаба мамлакатимиз тарихи учун муҳим ҳодиса бўлди. Сизларнинг фидойилигингиз ва хизматингиз Ватанимизнинг мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади, – деди Президент.

ДАВЛАТ РАҲБАРИ ҚАСИМ-ЖҲҲМАРТ ТҲҚАЕВ ОҚ ҲРДАДА «UAE SWAT CHALLENGE-2026» ХАЛҚАРО ТУРНИРИ ҲОЛИБЛАРИНИ ТАҚДИРЛАДИ



ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА

ҚАСИМ-ЖҲҲМАРТ ТҲҚАЕВ ВЛАДИМИР ПУТИННИ ҚОЗОҒИСТОНГА ТАКЛИФ ҚИЛДИ

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқотда бўлди.

Сўхбат давомида давлат раҳбарлари Қозоғистон ва Россия муносабатлари ва тараққиёт истиқболларини дўстона муҳитда муҳокама қилдилар. Улар энг олий даражада эришилган келишувлар изчил амалга ошириладиганини таъкидлаб, маданий ва гуманитар алоқаларни чуқурлаштириш ҳамда қўшма илмий ва маърифий ташаббусларини ривожлантириш муҳимлигини таъкидлаб ўтдилар.

Қасим-Жўмарт Тўқаев Владимир Путинни Қозоғистонга давлат ташрифи билан келишга таклиф қилди. Шу билан бирга, томонлар халқаро ва минтақавий кун тартибидоғи масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

ПРЕЗИДЕНТ ТАБРИК ЙҲЛЛАДИ

Қасим-Жўмарт Тўқаев Литва Президенти Гитанас Науседани мамлакатнинг миллий байрами – Давлатчилиқни тиклаш кўни билан табриқлади.

У икки томонлама муносабатлар даражасини юқори баҳолади ва икки халқ манфаати йўлида ривожланишига ишонч билдирди.

Шунингдек, Президент Хитой Республикаси Раиси Си Цзиньпинга Чуньцзе – Янги йил муносабати билан табриқ йўллади.

У собит дўстлик ва самарали ҳамкорликка асосланган муносабатлар жадал ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Президент Вьетнам Коммунистик партияси Марказий қўмитаси Бош котиби То Ламни ҳам Янги йил – Тет байрами билан табриқлади.

Қасим-Жўмарт Тўқаев мамлакатни Жануби-Шарқий Осиёдаги муҳим ва ишончли ҳамкор сифатида стратегик шериклиқни кенгайтиришга аҳамият қаратишини таъкидлади. Шунингдек, қўшма саъй-ҳаракатлар орқали кўп қиррали интеграцияни янги босқичга кўтариш нияти билдирилди.

Akorda.kz маълумотлари асосида.

»» Таҳлил

ҲАР БИР ТАШАББУС – ФАРОВОН ҲАЁТ ПОЙДЕВОРИ

2025 йил мамлакатимиз ташқи сиёсатда кўп жиҳатдан натижалар бўлди. Хусусан, ўтган йили 20та давлатга олий даражадаги расмий ва ишчи ташрифлар амалга оширилди. Бу ташрифлар АҚШ, Хитой, Япония, Европа давлатлари, Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатларини қамраб, Қозоғистоннинг кўп қиррали ташқи сиёсати, сармоя, хавфсизлик, транзит ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилди.

Янги тарихимизда илк бор қатор давлат раҳбарлари Қозоғистонга ташриф буюрди. "Марказий Осиё плюс" шаклидаги кўп томонлама мулоқотлар ҳам сермахсул бўлди. Сўнгги йилларда 11 давлат билан стратегик ҳамкорлик муносабатлари йўлга қўйилиб, уларнинг умумий сони 19тага етди. Шунингдек, Қозоғистон, Озарбайжон ва Тожикистон билан иттифоқчилик муносабатлари йўлга қўйилди. 186 мамлакат билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Ҳозирги геосиёсий кескинлик ва давлатлар ўртасидаги рақобат шароитида қўлга киритган ютуқларимизни асраб-авайлаш ва тараққиётни изчил давом эттириш давлат ва фуқаролар зиммасига тушади. Шу боис, "хавфсиз ва тинчликпарвар давлат" тамойилига асосланган ташқи сиёсатни янги босқичга олиб чиқиш, мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаб, фаолият йўналишларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, сармоя фақат молиявий манба эмас. У технология, билим, малакали кадрлар ва халқаро ишлаб чиқариш занжирига қўшилиши ҳам ўз



ичига олади, яъни ҳақиқий тараққиёт демакдир. Аммо бугун жаҳон иқтисодиётида капитал учун кураш ҳар қачонгидан ҳам кучайган бир шароитда, иқтисодиётга сармоя жалб этиш машаққатли жараёнга айланмоқда.

Юртбоши Қозоғистон халқига йўллаган Мактубида бу борадаги мақсад ва вазифалар ҳақида тўхталиб, барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва амалий муносабатларни мустаҳкамлаш, вазмин ва оқилона очиқ ташқи сиёсат юритиш мамлакатимиз фаолиятининг асосий йўналиши эканини таъкидлади. Шу жараёнда, яқин қўшиллар билан кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик ҳамкорлик ва ўзаро ишонч руҳидаги алоқаларни ривожлантириш устувор аҳамиятга эга.

Асосий хорижий ҳамкорлар билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли алоқалар кўлами ҳам кенгайтирилади. Президенти

Мактубида юртимизнинг келгуси беш йиллик тараққиётга дахлдор муҳим вазифалар белгиланди. Янги Қозоғистон ташқи сиёсатини халқ ва давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш учун кенг қамровли чора-тадбирлар кўзда тутилган. Шу жумладан, фуқаролар учун визасиз кириш мумкин бўлган мамлакатлар сонини кўпайтириш ҳам мақсад қилинган.

Қозоғистоннинг сўнгги йилларда дунёга очилиши юртимизга келаётган сайёҳлар сонини ошириши, юртдошларимизнинг чет давлатларга иш, ўқиш ва сафар мақсадида боришини кўпайтириш билан бирга, уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишда элчихоналарнинг ўрни ҳам аҳамиятли бўлмоқда.

Мамлакатимиз ташқи сиёсатининг асосий йўналиши Марказий Осиё интеграциясини чуқурлаштиришдир. Президентимизнинг қатъий иродаси би-

лан қардош давлатлар билан дўстона алоқалар янги босқичга кўтарилди ва дунё сиёсатида "Марказий Осиё руҳи" деган ибора пайдо бўлди.

Бундай лойиҳалар аҳолининг иқтисодий фаоллигини кўллаб-қувватлайди, минтақанинг энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлайди. Худудлар ўртасидаги алоқалар кенгаймоқда, чегараолди худудларда савдо ҳажми ошмоқда, гуманитар ва маданий алоқалар мустаҳкамланмоқда. Минтақавий ҳамкорлик натижасида чегара масалалари ҳам ҳал этилди. Илгари кескинликка сабаб бўлган сув-энергетика соҳасида ижобий ўзгаришлар кузатилди.

Буларнинг барчаси ишонч, ўзаро манфаатдорлик ва умумий захираларга адолатли ёндашувга асосланган янги ҳамкорлик руҳини шакллантирмоқда.

А. АБДУФАТТОХ

ЯНГИ МЕЪМОРИЙ ЛОЙИХАЛАР

Вилоят ҳоқими Нуралхан Кўшероқов раислигида меъморий лойиҳалар муҳока- масига бағишланган мажлис ўтди. Унда минтақа инфратузилмасини ривожлан- тириш, сармоя ҳажмини ошириш ва шаҳарга хос жиҳатларни яхшилашга йўнал- тирилган 9та лойиҳа бўйича таклифлар кўриб чиқилди.

Кун тартибда Тўлебий тумани Ленгер шаҳрининг меъморий қиёфасини ижобий томонга ўзгартиришга қаратилган лойиҳа- лар, Тўлебий тумани Биркўлик чўқолини тартибга келтириб, сайёҳлик салоҳиятини ошириш, Келес туманидаги кўчалар ва би- ноларни тартибга келтиришга оид таклиф- лар ҳам кўриб чиқилди. Бундан ташқари, Туркистон шаҳрининг Есимхан шоҳқўчаси- да қуриладиган ёнилги қўйиш бекати ло- йиҳаси, Маъмурий-тадбиркорлик маркази- да жойлаштириладиган меҳмонхона, биз- нес-маркази ва савдо маркази мажмуаси, тиббиёт маркази, Маданий-маънавий мар- каз ҳудудда жойлаштириладиган тадбир- корлик иншоотлари лойиҳаси, шунингдек,

Б. Саттарханов шоҳқўчаси ва Есимхан шоҳқўчаси чорраҳасида барпо этиладиган айланма йўл лойиҳаси муҳокама қилинди. Дастлабки уч масала юзасидан вилоят меъморчилик ва шаҳарсозлик бошқарма- си раҳбари Қуаниш Асанов маъруза қилиб, лойиҳаларнинг меъморий ечими ва инф- ратузилма масаласига тўхталди. Вилоят ҳоқими ва кенгаш аъзолари кам маблағ талаб этиладиган самарали ва аҳолига фойдали лойиҳаларга устувор аҳамият қаратилиши зарурлигини таъкидлади. Мажлис якунида вилоят ҳоқими му- тасаддиларга лойиҳаларнинг сифати ва ўз муддатда амалга оширилишини таъминлаш, меъморий талабларга тўлиқ



Вилоят ҳоқимининг матбуот хизмати.

Ҳар биримизнинг овозимиз муҳим!
15 НАУРЫЗ
МАРТ
РЕФЕРЕНДУМ

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – УЛУҒВОР ҚАДРИЯТ

Ҳозирги замонда тараққий этган жамиятнинг асоси – ҳуқуқ ва демократик қадриятларнинг устуворлигидир. Бу борада Қозоғистон Республикаси ҳам ўз тараққиёт йўлини белгилаб, ҳуқуқий ва демократик давлат барпо этишни асосий мақсад деб белгилади.

Ҳуқуқий демократик мамлакат деганимиз – қонун устувор, одам ҳуқуқи ва эркинлиги ҳимоя қилинадиган, ҳукумат – халқнинг манфаатлари учун хизмат қиладиган жамият. Бундай жамиятда фуқаро юрт тақдирига масъулия билан қарайди. Ҳар бир фуқаронинг овози, фикри, тамойиллари давлат қарорларига таъсир этиши – ҳақиқий демократиядир.

Қозоғистон Республикасининг Конституциясида халқ мамлакатнинг асосий бойлиги эканлиги алоҳида таъкидланади. Бу тамойил жамият ҳаётида ўзини далиллаб келаятган ҳақиқатдир. Фуқароларнинг сайловда фаол иштироки ва ўз муносабатини билдириши – юрт келажак- ини шакллантиришдаги тарихий масъулия.

Давлат раҳбари Қасим-Жумарт Тўқаев "Конституция – мустақиллигимизнинг мустаҳкам пойдевори, унинг бош мақсади эса – қонун устуворлигини таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш", деб таъкидлаган эди.

Демократик кўринишларнинг асосийси – сайловдир. Бу – халқнинг ўз келажакига бефарқ қарамаслигини билдирадиган муҳим актдир.

Сўнги йилларда Қозоғистонда олиб борилаётган сиёсий ислохотлар халқнинг мамлакатни бошқарув ишига кўпроқ аралашшига йўл очди. "Халққа овозини тинглайдиган давлат" концепцияси – бу борадаги муҳим ташаббус.

Фуқароларнинг фаоллиги ортгани сайн жамият ҳам янгиланади, давлат ҳам кучаяди. Қонун устувор бўлган давлат улкан муваффақиятга эришади.

Март ойида ўтадиган умумхалқ референдумида фаол иштирок этайлик.



Жавлон СОБИТОВ,
Туроб Тўла номидаги мактаб директори.
Қазигурт тумани.

Сайлов қонунчилигидаги муҳим ўзгаришлар, рақамли технологияларни жорий этиш тажрибаси ҳамда минтақа сайловчиларининг фаоллиги юзасидан Туркистон вилоят сайлов комиссияси раиси Ансар Ўсербоевга мурожаат қилдик.

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ ФАОЛЛИГИ ОРТМОҚДА



– Ансар Жанабайули, аҳолиси тигиз жойлашган вилоятимизда сайловчиларнинг сайлов мавсумида иштирок этишга доир фаоллиги қандай? Сухбатни шундан бошласак...

– Бугунги кунда вилоят аҳолиси сони 2 миллион 154 минг одамни ташкил этади. Овоз бериш ҳуқуқига эга фуқаролар сони – 1 195 814, бу – минтақа аҳолисининг 55,4 фоизи. 2025 йил 17 январдан бошлаб, сайловчилар сони 3 391 одамга кўпайди. Белгиланган ҳаракатлар кетма-кетлигига мувофиқ, жорий йил ҳам 17 январда маҳаллий ижро идоралари томонидан сайловчилар рўйхати тавсия этилиб, таққослаш натижасида унинг анкилиги 100 фоизни кўрсатди.

Сайловчиларнинг сайловдаги фаол иштирокига таъсир кўрсатадиган асосий омиллардан бири сифатида номзодларнинг маҳаллий даражадаги эътибори ва жамиятдаги фаоллигини таъкидлаш мумкин. Чунки, йўлларни таъмирлаш, кўчаларда ёруғлиқни таъминлаш, инфратузилмани ривожлантириш, ичимли ва экин суви ҳамда йилво каби масалалар кундалик ҳаётга бевосита боғлиқ муаммоларнинг қандай ҳал қилиниши аҳоли учун муҳим.

Иккинчидан, сайлов комиссиялари томонидан олиб борилаётган ахборот-тарғибот ишлари ҳам сайловчиларнинг фаоллигига улкан таъсир кўрсатади. Масалан, фуқароларга қаққуров қозғоларини тарқатиш, ижтимоий тармоқлар ва WhatsApp орқали инфографикалар йўллаш, сайлов участкаларининг жойлашган манзилли ва чегараларига доир маълумотларни тизимли турда етказиш, шунингдек, рекламаларни тегишли жойга жойлаштириш аҳамияти залворли. Тажрибага таяниб, мазкур шароитларни эътиборга олганда, баъзи аҳоли манзилларида сайловчиларнинг иштироки 90 фоизга етса, баъзиларда 20 фоизга ҳам етмайди. Шу боис, туман, округ ва участка сайлов комиссияларига аҳоли ўртасида тарғибот ишларини кучайтириш вазифаси топширилди.

– Сайлов участкалари ва уларнинг чегараларидаги ўзгаришлар ҳақида нима дейсиз?

– Бугунги кунда вилоятда жами 948та сайлов участкаси мавжуд, унинг 26таси ёпиқ тартибда ишлайди. Ҳозир янги сайлов участкаларини очиб ҳамда амалдагиларнинг чегараларини тuzатиш ишлари олиб борилмоқда. Ўтган йили 3та янги участка очилиб, 34та участканинг чегараси қайта кўриб чиқилди.

– Сайлов комиссияларининг фаолияти қандай таъкидлаштирилмоқда?

– Вилоятда бугунги кунда 126 нафар аъзоси бор 18та ҳудудий сайлов комиссияси фаолият юритади. Шунингдек, ҚР Парламенти Мажлиси учун 3та округ, 23та вилоят, 292та бир мандатли туман, шаҳар сайлов округи бор. Умуман, вилоятдаги 948та участка сайлов комиссиясига 6 254 киши аъзо. Барча даражадаги комиссия аъзоларининг сони – 7 955 нафар.

– Имконияти чекланган фуқароларга қандай шароитлар яратилган?

– Жорий йил 1 январдаги ҳисоб бўйича вилоятда 14 579 нафар имконияти чекланган фуқаро бор. Уларнинг 3 164 нафари кўл аравалардан фойдаланади. 7 642 нафарининг кўзи оқиб, 3 773 нафарининг эшитиш қобилияти чекланган. Уларнинг сайлов ҳуқуқини амалга оширишга доир масалалари тўлиқ ечимини топган. Нишаб йўлқалар ўрнатилиб, зарур эшитиш ускуналари ҳамда тегишли воситалар билан тўлиқ таъминланган. 2025 йил 22 октябрда ҚР Марказий сайлов комиссияси ва ҚР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги ўртасидаги ҳамкорлик шартномасига мувофиқ, йўл харитаси тасдиқланди. У ҳам сайлов участкаларида имконияти чекланган ҳар бир сайловчига маҳаллий ижро идоралари билан ҳамкорликда қулай шароитлар яратишни кўзда тутган. Бундан ташқари, бошқа хасталиклар, жумладан, кексалик, инсулът, инфаркт, жароҳлик амалиёти олган, тўшакча миҳланиб қолган сайловчиларнинг сайлов кунини соат 12.00гача берган аризалари асосида улар уйда овоз бериши мумкин.

– Сайлов комиссияларига аъзо фуқароларнинг малака ва тажрибаси ҳам муҳим-ку, бу йўналишда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– 2026 йилга мўлжалланган ўқитиш режасига мувофиқ, барча даражадаги сайлов комиссияларининг аъзоларига махсус семинар ва ўқув-тренинглар ўтказиш режалаштирилган. Туман аҳамиятига эга шаҳарлар, қасабалар ва қишлоқ ҳокимларининг сайловини уюштирадиган ҳудудий ва участка сайлов комиссияларининг аъзолари, шунингдек, чиқиб кетган вилоят, шаҳар ҳамда туман маслаҳатлари депутатларининг ўрнига сайлов ўтказадиган округ ва участка комиссияси аъзолари учун ҳам махсус семинарлар уюштирилади. Ўқитиш давомида сайловчиларнинг рўйхатини шакллантириш, имконияти чекланган фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш, тарғибот-ташвиқот ишларини қонун талабларига мос уюштириш ҳамда назорат қилиш, шунингдек, сайлов комиссияларига келиб тўшган ариза-шиқоятларни кўриб чиқиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилади. Келгусида шаҳар ва туман ҲСЖ аъзоларига, шунингдек, округ ҳамда участка комиссиялари аъзоларига мўлжалланган босқичма-босқичма ўқитиш курслари ташкил этилади.

– Вилоятдаги 948та сайлов участкасининг барчаси замонавий техника воситалари билан таъминланган. Ахборотлаштириш ишлари вилоят ҳамда туман ҳокимларининг расмий сайтларида очилган "Сайлау" саҳифалари орқали тизимли олиб борилади. Шунингдек, сайлов комиссияларининг "Facebook" тармоғидаги расмий саҳифалари ҳам фаол.

Марказий сайлов комиссияси раиси Нурлан Абдиров халқро даражада тажриба алмашиш мақсадида турли мамлакатларда ўтган сайловларда иштирок этиб, икки томонлама шартномалар тузиб, ҳамкорлик ўрнатишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ҳар мамлакатнинг сайлов тизимини соълайдиган ўз қонунчилиги бор. Қозоғистонда "Сайлов тўғрисида" Конституциявий қонуни орқали сайловчиларнинг ҳуқуқлари тўлиқ ҳимояланган. Сайлов комиссияси келгусида ҳам ўз фаолиятини юксак даражада бажариб, сайловчиларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қилади.

– Яқинда Бутун дунё сайлов кунини ўтди. Ушбу сана қандай нишонланди?

– Бутун дунё сайлов кунини муносабати билан вилоят ҳудудидаги туман ва шаҳар ҳудудий сайлов комиссиялари таълим муассасалари билан ҳамкорликда турли тадбирлар уюштириди. Жами, мингдан зиёд урчашув, "давра суҳбат"лари, мунозара ҳамда интерфаол шаклдаги майдончаларда ёшлар иштирокида мазмунли тадбирлар ўтди. "Электорал қоидалар – сайловчи ишончининг асоси" шиори остида ўтган тадбирларда қонун устуворлиги, сайлов ҳуқуқини таъминлаш, фуқаровий масъулия ҳамда ёшларнинг демократик тамойиллардаги фаол ўрни кенг муҳокама қилинди. Бу урчашувлар ёшларни мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига лоқайд бўлмакликка, ўз танловига масъулият билан ёндашишга ундайди. Мактаблар, коллежлар ва олий ўқув юртларида ўтган сабоқлар, суҳбатлар ва видео-намуналар танлови иштирокчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширади, уларнинг етакчилик қобилиятларини ривожлантириб, сайловга оғли муносабатини шакллантиради.

– Мазмуни суҳбат учун ташаккур!

– Сўнги йилларда қишлоқ ҳокимларининг сайлови ўтказилмоқда. Аҳоли ўз номзодларини саралаб олдими?

– Давлат раҳбари Қасим-Жумарт Тўқаевнинг 2020 йил 1 сентябрдаги Мақтубида қишлоқ ҳокимларини сайлаш ташаббуси қўллаб-қувватланмоқда. Президент топширигига мувофиқ, қишлоқ ҳокимларини сайлашга доир қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиб, 2021 йил 24 майда қонуний ўзгартришлар қабул қилинди. Янги меъёрлар 5 июндан бошлаб кучга кирди. Қишлоқ ҳокимларининг дастлабки сайлови 2021 йил 25 июлда ўтказилди. Шу йили вилоят микёсида 68 нафар ҳоким сайланди. 2021-2025

йилларда 261 қишлоқ ҳокими сайланса, жорий йил 22 қишлоқ ҳокимини сайлаш кўзда тутилган. Вилоятда жами 181 туман аҳамиятга молик шаҳар, қасаба ва қишлоқ округи бўлса, барчасида ҳокимлар сайланди.

– Вилоят сайлов участкаларининг моддий-техника базаси қай даражада? Умуман, сайлов жараёнига тайёргарлик ҳамда уни ахборотлаштириш ишлари қандай олиб борилмоқда?

– Вилоятдаги 948та сайлов участкасининг барчаси замонавий техника воситалари билан таъминланган. Ахборотлаштириш ишлари вилоят ҳамда туман ҳокимларининг расмий сайтларида очилган "Сайлау" саҳифалари орқали тизимли олиб борилади. Шунингдек, сайлов комиссияларининг "Facebook" тармоғидаги расмий саҳифалари ҳам фаол.

– Яқинда Бутун дунё сайлов кунини ўтди. Ушбу сана қандай нишонланди?

– Бутун дунё сайлов кунини муносабати билан вилоят ҳудудидаги туман ва шаҳар ҳудудий сайлов комиссиялари таълим муассасалари билан ҳамкорликда турли тадбирлар уюштириди. Жами, мингдан зиёд урчашув, "давра суҳбат"лари, мунозара ҳамда интерфаол шаклдаги майдончаларда ёшлар иштирокида мазмунли тадбирлар ўтди. "Электорал қоидалар – сайловчи ишончининг асоси" шиори остида ўтган тадбирларда қонун устуворлиги, сайлов ҳуқуқини таъминлаш, фуқаровий масъулия ҳамда ёшларнинг демократик тамойиллардаги фаол ўрни кенг муҳокама қилинди. Бу урчашувлар ёшларни мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига лоқайд бўлмакликка, ўз танловига масъулият билан ёндашишга ундайди. Мактаблар, коллежлар ва олий ўқув юртларида ўтган сабоқлар, суҳбатлар ва видео-намуналар танлови иштирокчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширади, уларнинг етакчилик қобилиятларини ривожлантириб, сайловга оғли муносабатини шакллантиради.

– Мазмуни суҳбат учун ташаккур!

– Сўнги йилларда қишлоқ ҳокимларининг сайлови ўтказилмоқда. Аҳоли ўз номзодларини саралаб олдими?

– Давлат раҳбари Қасим-Жумарт Тўқаевнинг 2020 йил 1 сентябрдаги Мақтубида қишлоқ ҳокимларини сайлаш ташаббуси қўллаб-қувватланмоқда. Президент топширигига мувофиқ, қишлоқ ҳокимларини сайлашга доир қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиб, 2021 йил 24 майда қонуний ўзгартришлар қабул қилинди. Янги меъёрлар 5 июндан бошлаб кучга кирди. Қишлоқ ҳокимларининг дастлабки сайлови 2021 йил 25 июлда ўтказилди. Шу йили вилоят микёсида 68 нафар ҳоким сайланди. 2021-2025

– Сайлов участкалари ва уларнинг чегараларидаги ўзгаришлар ҳақида нима дейсиз?

– Бугунги кунда вилоятда жами 948та сайлов участкаси мавжуд, унинг 26таси ёпиқ тартибда ишлайди. Ҳозир янги сайлов участкаларини очиб ҳамда амалдагиларнинг чегараларини тuzатиш ишлари олиб борилмоқда. Ўтган йили 3та янги участка очилиб, 34та участканинг чегараси қайта кўриб чиқилди.

– Сайлов комиссияларининг фаолияти қандай таъкидлаштирилмоқда?

– Вилоятда бугунги кунда 126 нафар аъзоси бор 18та ҳудудий сайлов комиссияси фаолият юритади. Шунингдек, ҚР Парламенти Мажлиси учун 3та округ, 23та вилоят, 292та бир мандатли туман, шаҳар сайлов округи бор. Умуман, вилоятдаги 948та участка сайлов комиссиясига 6 254 киши аъзо. Барча даражадаги комиссия аъзоларининг сони – 7 955 нафар.

– Имконияти чекланган фуқароларга қандай шароитлар яратилган?

– Жорий йил 1 январдаги ҳисоб бўйича вилоятда 14 579 нафар имконияти чекланган фуқаро бор. Уларнинг 3 164 нафари кўл аравалардан фойдаланади. 7 642 нафарининг кўзи оқиб, 3 773 нафарининг эшитиш қобилияти чекланган. Уларнинг сайлов ҳуқуқини амалга оширишга доир масалалари тўлиқ ечимини топган. Нишаб йўлқалар ўрнатилиб, зарур эшитиш ускуналари ҳамда тегишли воситалар билан тўлиқ таъминланган. 2025 йил 22 октябрда ҚР Марказий сайлов комиссияси ва ҚР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги ўртасидаги ҳамкорлик шартномасига мувофиқ, йўл харитаси тасдиқланди. У ҳам сайлов участкаларида имконияти чекланган ҳар бир сайловчига маҳаллий ижро идоралари билан ҳамкорликда қулай шароитлар яратишни кўзда тутган. Бундан ташқари, бошқа хасталиклар, жумладан, кексалик, инсулът, инфаркт, жароҳлик амалиёти олган, тўшакча миҳланиб қолган сайловчиларнинг сайлов кунини соат 12.00гача берган аризалари асосида улар уйда овоз бериши мумкин.

– Сайлов комиссияларига аъзо фуқароларнинг малака ва тажрибаси ҳам муҳим-ку, бу йўналишда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ ЛОЙИХАСИ БИЛАН ТАНИШДИМ



ҚР Президенти Қ. Тўқаев ташаббуси билан жорий йил 31 январь кунини комиссия мамлакатимизнинг янги конституция лойиҳасини эълон қилди. Давлат раҳбари 2025 йил 8 сентябрдаги Қозоғистон халқига мақтубида бир палатали Парламент ташкил этилиши ҳақида илгари сурганди. Мен конституция лойиҳаси билан танишиб, келажакда қандай ўзгаришлар бўй бериши билан қизикдим. Комиссия аъзолари конституциянинг деярли барча бўлимларига тегишли бўлган 77 модда, яъни 84 фоизини ўзгартириш кўзда тутилмоқда.

Қонунчилик тарихида илк марта инсон ҳуқуқлари давлатнинг муҳим вазифаси сифатида белгиланди. Фуқароларнинг рақамли муҳитдаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш меъёри жорий этилмоқда. Халқимиз тили ва маданиятини сақлаб, кейинги авлодга етказиш учун қуйидаги таклифларимни баён этмоқчиман:

- Ёшларни маданий – илмий лойиҳаларга жалб этиш.
- Мактаблар ва этномаданият марказларида тил курсларини ташкил этиш.
- Ўзбек тили, анъана, оила, таълим, маънавият фуқаровий бирлик клубларини ташкил этиш.
- Қўллаб-қувватловчи моддий жамғарма ташкил этиш.
- Китобсеварлар клубларини кўпайтириш.
- Шу каби муҳим масалаларни амалга ошириш учун ҳар бир қишлоқ, маҳаллаларда камида 10-15 йилгит қизларни аниқлаб, минтақалар бўйича семинарлар ўтказиш даркор. Ушбу семинарларни этномаданият раислари, фаол отахонлар иштирокида ўтказилса, нур устига нур. Аҳолининг ижтимоий фаоллигига эришиш мумкин. Мен янги Конституция лойиҳасини қўллайман ва барчани 15 март кунини ўтадиган умумхалқ референдумига фаол қатнашишга чорлайман.

Иброҳим ОТАЖОНОВ,
Югнак қишлоғи меҳнат фаҳрийси,
техника фанлари номзоди.

ОИЛАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ПОЙДЕВОРИ

Бугунги кунда мамлакатимизда Конституциявий ислохотлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлатни адолатли ва шаффоф қилиш ҳамда жамият барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган янгиликлар жараёнидир. Ислохотлар орқали хотин-қизлар ҳуқуқлари янада мустаҳкамланяпти, оила институтини қўллаб-қувватлаш ва болалар хавфсизлигини таъминлаш устувор вазифага айланди.

Конституцияда ҳар бир инсоннинг кадр-киммати ва ҳуқуқлари энг олий қадрият сифатида белгиланди. Ушбу тамойил янги қонун лойиҳаларида ўз ифодасини топиб, айниқса, хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга кенг йўл очмоқда.

Оналар кенгаши раисаси сифатида шуни таъкидлардимки, оила – жамиятнинг пойдеворидир. Конституциявий ислохотларда оилавий қадриятларни асраш, ота-она масъулиятини ошириш, бола тарбиясига давлат даражасида устувор аҳамият қаратилган. Ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири – очик мулоқотни йўлга қўйишдир. Бу жараён хотин-қизлар, оналарнинг жамият ҳаётидаги фаол иштироки, ўз фикрини очик билдириши учун кенг имкониятлар яратади.

Хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимояланган, оила мустаҳкам, бола хавфсиз муҳитда тарбияланадиган Қозоғистон – тараққиётнинг тўғри йўлидан бораётган давлатдир. Оналар жамоаси ушбу ислохотларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг тўлиқ амалга ошишига хисса қўшишга тайёр.



Муҳаббат ИБРОҲИМОВА,
вилоят ЭМБ қошидаги Оналар кенгаши раисаси.

Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 44-модда 10-банди ҳамда Қозоғистон Республикасининг "Республика референдуми тўғрисида" Конституциявий қонунининг 18-моддасига мувофиқ, шунингдек, Қозоғистон Республикаси Президентининг 2026 йил 11 февралдаги "2026 йил 15 мартда республика референдумини ўтказиш тўғрисида" 1170-сонли Фармони асосида, Қозоғистон Республикаси Марказий референдум комиссиясининг 2026 йил 12 февралда қабул қилинган 6/10-сонли фармойишига мувофиқ, Туркистон вилояти ҳудудий референдум комиссиясининг таркиби, манзили ва иш вақтини маълум қиламиз.

Туркистон вилояти ҳудудий референдум комиссияси тўғрисида ХАБАРНОМА

Вилоят ҳудудий референдум комиссияси

Манзили: Туркистон шаҳри, Янги шаҳар кичик тумани, 28-кўча, 429-бино, телефон: 8(72533) 5-95-03.

Комиссия раиси – Ансар ЎСЕРБАЕВ;
Раис ўринбосари – Бахитбек ХАСАНОВ;

Котиби – Мурат БАЗАРҚУЛОВ;

Комиссия аъзолари:

* Қуандиқ ҚҮЛАЖАНОВ;
* Гулбала МАХАМБЕТОВА;
* Қайратбек МИРЗАКЕЛДИЕВ;
* Бахтияр ҲСЕНБАЕВ.

Ҳудудий референдум комиссиясининг иш вақти: 09.00 – 18.30, тушги танаффус: 13.00 – 14.30.

ТУРКИСТОН РАВНАҚИГА БАХШИДА УМР

35 ЁШДАГИ "ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН" ГАЗЕТАСИНING ФАОЛ ОБУНАЧИСИ БАХРОМ АБДУСАТТОР ЎҒЛИ 70 ЁШГА ТЎЛДИ



Баҳром Абдусатторов 1956 йили 6 февралда Туркистон шаҳрида туғилган. Ҳамза номи мактабни 1974 йили битирди. Самарқанд шаҳридаги қишлоқ хўжалиги олийгоҳини аъло баҳолар билан тамомлаган. Собиқ Туркистон, ҳозирги Саврон туманига қарашли қишлоқ кенгаши, жамоа хўжалиги, туман ҳокимлиги, шаҳар газетаси таҳририя-

тида, ҳарбий комиссариатда самарали меҳнат қилган. Умр йўлдоши Муножот Дадаш қизи билан Баҳор, Шоира, Флюра, Абдусаттор, Жавоҳир исмли турли соҳаларда эл равнақи йўлида меҳнат қилаётган қобил фарзандлар тарбиялаган. Етти йил муқаддам ёз фаслида умр йўлдоши Муножот Дадаш қизи фонидан чин дунёга риҳлат

қилди. Аҳил хонадоннинг саришта соҳибаси, улкан уйнинг чироғи, меҳрибон она, невараларнинг суюкли бувиси сифатида унинг нурли хотираси ҳамиша юракларда барҳаёт.

Обунада фаол Ҳамза номи мактабда бирга ўқиган синфдош дўстлари, ҳамкасблари, оила-аъзолари Баҳром Абдусаттор ўғлига саломатлик, фарзанд, неваралар, чеваралар камоллини кўриб, тўйларида бош бўлиш саодатини тилайди. Таҳририят ҳам шу саримий ниятлар ижобатига тилакдош.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Баҳром Абдусаттор ўғли умр йўлдоши Муножот Дадаш қизи билан; оила-аъзолари даврасида.

ОНАЛАР КЕНГАШИ – ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ДЕБОЧАСИ



Сайрам тумани маркази – Оқсувент қишлоғида жойлашган Қ. Жандарбеков номи Маданият уйида ҚХА қошидаги Оналар кенгашининг вакиллиги, яъни ҚР "Дўстлик" ҳамжамияти таркибидagi республика Оналар кенгаши "Биртўтас тарбия" ("Ягона тарбия") лойиҳаси доирасида семинар-кенгаш ўтказди.

Унинг мақсади – жамиятдаги ижтимоий иллатлар, жумладан, гиёҳвандлик, қиморбозлик, оила ва жамиятдаги зўравонлик, бузғунчилик ва исрофгарчиликка қарши курашишга ҳисса қўшиш, минтақаларда Оналар кенгашларини бошқараётган вакилларга зарур билим ва кўникмаларни беришдан иборат. Иштирокчиларга тажриба, тадқиқот, ахборот, тарғибот усулларидан фойдаланилган ҳолда, мажмуавий билим ва ахборотлар берилди.

Тадбирнинг кириш қисмида меҳмонларга кенгаш томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар намойиш этилди. ҚР "Дўстлик" ҳамжамиятининг Оналар кенгаши раисаси, Сайрам туманининг фахрий фуқароси, Анвар Исмоилов номидаги касб-хунар коллежи директори Гулчехра Исмоилова тадбирни очаркан, нотикларни таъбирлиқ қилди. Семинар ишида ҳамжамият раиси Абдулла Исмаилов, унинг гендер масалалар бўйича бош маслаҳатчиси, Шимкент шаҳар Оналар кенгаши раисаси Фароғат Ҳожиметова, вилоят УЭМБ раиси муовини Бахтиёр Шомуродов, Сайрам тумани "Жамоат тотувлиги" ДҚК раҳбари Базарбай Айтбаев, Сайрам туман УЭМБ раиси Шопўлат Бойменов, Сайрам туман маслаҳати депутаты Муҳиддин Сидиқов ва бошқалар иштирок этишди ва ўз тилакларини билдиришди. Семинарни республика Оналар кенгаши раисаси муовини, "Өрлеу" ўқитувчилар малакасини

ошириш миллий марказининг минтақавий ваколатхонаси катта ўқитувчиси Маҳфуза Мусаева олиб борди.

Навбат бир-бирдан қизиқарли маърузаларга берилгач, "Ёшларни салбий унсурлардан муҳофаза қилиш усуллари" мавзусида тадбир ташкилотчиларидан Сайрам тумани УЭМБ қошидаги Оналар кенгаши раисаси, Сайрам туманининг фахрий фуқароси, ҚР Таълим аълоҳиси Зумрад Аҳмедова маъруза қилди. У ёшлар ўртасида авж олаётган ижтимоий муаммолар ҳақида гапираркан, 18-30 ёш ораллигидагиларнинг шиддат-шижоатини, замонавий фикрлашини муайян касб-хунарларни эгаллашга йўналтириш зарурлигини таъкидлади. Барқарор тараққиётга ҳалақит бераётган иллатлардан қутулиш йўллари, ечимларини тавсия этди.

"Ёшлар тарбиясида алоҳида услублар" мавзусида Манкент қишлоқ Оналар кенгаши раисаси, қишлоқ бийи, халқаро медиа-тор Сайёра Довонова маъруза қилди. У минтақа ёшларининг ҳуқуқлари, имкониятлари, уларнинг тарбиясида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш каби масалаларга тўхталиди.

"Янги технологиялар асрида оналикнинг аҳамияти" мавзусини Анвар Исмоилов номидаги касб-хунар коллежи руҳшуноси, ўқитувчи-тадқиқотчи, педагогика фанлари магистри Майра Шўнқебаева ёритиб берди.

Семинарда Тараз, Туркистон, Шимкент шаҳарлари ва қатор

туманлардан ташриф буюрган иштирокчилар аjoyиб савол-жавобларнинг гувоҳи бўлишди.

Тадбир давомида руҳшунослар маҳорат сабоқларидан сўнг коллеж устозлари Айгерим Ўнғарбаева, Раънохон Аҳмедова "Сақ бике" театрлаштирилган сахна кўринишини намойиш этишди, педагог-тадқиқотчи Ф. Абдиғапарова эса "Она" монолини ижро этди.

Гулчехра Исмоилова ушбу семинар орқали, умуман Оналар кенгаши саъй-ҳаракатлари ила Қозоғистонда, энг аввало, тинчлик-хотиржамлик, миллатлараро тотувлик барқарорлигини таъминлашга ҳисса қўйиш, Президент Қасим-Жумарт Тўқаев томонидан илгари сурилган гиёҳвандлик, қимор ўйинлари, оила ва жамиятдаги зўравонлик, бузғунчилик ва исрофгарчиликнинг барҳам топишига эришиш йўллари, бу жараёнларда ёшларнинг амалий иштирокини ҳам таъминлаш борасидаги фикрларини ҳамжамият эътиборига ҳавола қилди.

Кенгашнинг ишида фаол иштирок этган коллеж ходимлари Нилуфар Авазхон қизи, Улпан Абзелова, Ирисой Гаипова, Мавлуда Шодиева, Ақида Шотемирова, меҳмонлардан Муҳаббат Иброҳимова, Гулҳаёт Аҳмедова, Манзура Аҳмедова, Нодира Йўлдошева, Раҳбар Отаметова, Нурбуви Имомсаидова ва бошқа илғорлар фаолиятини алоҳида қайд этиш жоиз.

Оналар кенгаши аъзолари янги иш-режалар, илғор ташаббуслар ва лойиҳалар билан йилни самарали бошлади. Истиқболда ёшлар ҳаётига оид тадбирларни муносиб давом эттириш вазифаси мужассам.

Н. МАВЛОНОВА.

»» "Қозоғистон болалари" концепцияси

БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ

Юртимизда болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланмоқда. Яқинда ишлаб чиқилган "Қозоғистон болалари" концепцияси ана шу мақсадни тизимлаштиришга қаратилган муҳим ҳужжатдир. У 2026-2030 йилларда ҳар бир бола учун хавфсиз муҳит яратиш, сифатли таълим, соғлиқни сақлаш ва кучли ижтимоий ҳимояни таъминлашни кўзда тутди.



Ҳозирги кунда юртимизда болалар сони тахминан 6,9 миллионга яқин. Бу умумий аҳолининг учдан бир қисмидан зиёд. Сўнгги ўн йилда болалар сони 1,5 миллионга ошгани, бу йўналишда пухта ва узоқни кўзлаган қарорлар қабул қилишни талаб қилади. Янги концепция давлат идоралари ва жамият масъулиятини бирлаштириб, барча чора-тадбирларни аниқ натижага қаратилган дастур орқали амалга ошириш имконини беради.

Ҳужжат доирасида 158та тадбир ва 10та асосий кўрсаткич белгиланган. Болаларнинг хавфсизлиги, рақамли муҳитда ҳимояси, барчага тенг имкониятлар яратиш, кулай инфратузилмани ривожлантириш каби устувор вазифалар белгиланган.

Концепцияда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида қатор маданий-маърифий тадбирлар уюштирилмоқда. Шу жумладан, Шимкент шаҳридаги Гулжан Умарова раҳбарлик қилаётган 12-сонли М. Горький номидаги мактабда шундай тадбирлардан бири

ўтди. Унда мактаб директори, тарбиявий ишлар бўйича директор муовини, мактаб ноэри, синф раҳбарлари ҳамда ота-оналар иштирок этди. Учрашувда мактаб маъмурияти интизомга риоя қилмайдиган, бир-бирини таҳқирлайдиган ўқувчилар масаласи муҳокама қилинди.

– Бола – жамиятнинг келажаги. Муаммони жазо билан эмас, ота-оналар билан ҳамкорлик, тушунтириш, қўллаб-қувватлаш орқали ҳал этиш мумкин. Мактаб, ота-она ва жамият бир йўналишда ҳаракат қилгандагина самара бўлади, – деди мактаб раҳбари.

Педагоглар болаларнинг ижобий хулқини рағбатлантириш, уларнинг интизому ва масъулиятини ошириш учун қандай чоралар кўрилишини тушунтирдилар.

– Ҳар бир ўқувчи алоҳида шахс. Биз уни жамият қоидаларига мослаштириш, қонун ва интизом моҳиятини аниқлаштириш мақсад қилганмиз. Бу жараёнда мактаб ва ота-оналарнинг ўзаро ишончи ҳал қилувчи аҳамиятга эга –

дея фикр билдирди мактаб ноэри.

Учрашувда болаларнинг ижобий хулқини рағбатлантириш, масъулиятини юксалтириш, хатоларини ўз вақтида тўғри йўналтириш юзасидан тақлифлар билдирилди. Барча маълумотлар тизимли равишда қайд этилди.

Севара КАМОЛ қизи, ота-она:

– Мактаб мутахассислари болаларнинг хатолари ва ижобий ҳаракатларини алоҳида таъкидлашди. Айниқса, уларнинг ижтимоий ва эмоционал тараққиётига эътибор қаратилгани муҳим. Бу каби тадбирлар ота-оналар ва мактаб ўртасида ҳамкорликни янада кучайтиради ва болаларни тарбиялашда қандай йўлни кўрсатади.

Хулоса шуки, янги концепция болага оид ишларни ягона тизим асосида йўлга қўйишни назарда тутди. Ҳар бир фарзанд қўллаб-қувватланса, унинг ижобий қадамлари рағбатлантирилса, у албатта жамият учун фойдали инсон сифатида камол топади.

М. ЭЛТОЕВА.

РЎЗАНОМА

2026 ЙИЛГИ РЎЗА ТУТИШ ТАҚВИМИ (Шимкент вақти билан).

Рамазон ойининг кунлари	Февраль, март ойлари	Ҳафта кунлари	Саҳарлик вақти	Ифторлик вақти
1	19 февраль	Пайшанба	05:55	18:02
2	20 февраль	Жума	05:54	18:03
3	21 февраль	Шанба	05:52	18:04
4	22 февраль	Якшанба	05:51	18:05
5	23 февраль	Душанба	05:50	18:07
6	24 февраль	Сешанба	05:48	18:08
7	25 февраль	Чоршанба	05:47	18:09
8	26 февраль	Пайшанба	05:45	18:10
9	27 февраль	Жума	05:44	18:12
10	28 февраль	Шанба	05:42	18:13
11	1 март	Якшанба	05:41	18:14
12	2 март	Душанба	05:39	18:15
13	3 март	Сешанба	05:37	18:16
14	4 март	Чоршанба	05:36	18:18
15	5 март	Пайшанба	05:34	18:19
16	6 март	Жума	05:33	18:20
17	7 март	Шанба	05:31	18:21
18	8 март	Якшанба	05:29	18:22
19	9 март	Душанба	05:27	18:24
20	10 март	Сешанба	05:26	18:25
21	11 март	Чоршанба	05:24	18:26
22	12 март	Пайшанба	05:22	18:27
23	13 март	Жума	05:21	18:28
24	14 март	Шанба	05:19	18:29
25	15 март	Якшанба	05:17	18:31
26	16 март	Душанба	05:15	18:32
Муқаддас Лайлатул-Қадр кечасида Қуръони Каримнинг илк оятлари нозил қилинган. Дуо, тилаклар қабул бўладиган тун.				
27	17 март	Сешанба	05:13	18:33
28	18 март	Чоршанба	05:12	18:34
29	19 март	Пайшанба	05:10	18:35

САҲАРЛИК (ОФИЗ ЁПИШ) ДУОСИ:
Навайту ан асума совма шаҳри рамазона минал фаҳри илал мағриби, холисан лиллаҳи таъала. Аллоху акбар!

Маъноси: Рамазон ойининг рўзасини субҳдан то кун ботгунча тутмоқни ният қилдим. Холис Аллох учун. Аллох буюқдир.

ИФТОРЛИК (ОФИЗ ОЧИШ) ДУОСИ:
Аллохумма лака сумту ва бика аманту ва аълайка таваккалту ва аъла ризқика афтарту, фағфирли йа гоғфару ма қоддамту ва ма аххорту.

Маъноси: Эй Аллох, ушбу Рўзамни Сен учун тутдим ва Сенга иймон келтирдим ва Сенга таваккал қилдим ва берган ризқинг билан ифтор қилдим. Эй гуноҳларни афв қилувчи Зот, менинг аввалги ва кейинги гуноҳларимни мағфират қилгин.

20 март – Рамазон ҳайити.

Фитр садақаси 735 тенге этиб белгиланди.

»» Янги Қозоғистон бунёдкорлари

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолининг муносиб турмуш кечириши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Ҳар бир фуқаронинг интилишлари, имкониятларини рўйбга чиқарадиган қулайликлар тақдим этилмоқда. Бу эса халқ фаровонлигини таъминлашнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

ҲУНАР – ҲУНАРДАН РИЗҚИНГ УНАР

Халқимизда “Бир йигитга қирқ хунар ҳам оз”, деган ҳикмат бор. Хунарни илм ва ақл билан уйғунлаштириб, меҳр ва фидойилик билан ўрганиб, ҳавасни келтирадиган даражада касб эгаллаган шахслар кўп. Айнан шундай хунарли тадбиркорлардан бири Расулжон Исоқжонов Шимкент шаҳрининг

Сайрам даҳасида фаолият юритаётган “Исақжанов” ёки “Расул мастер” ХТ муассасаси раҳбари. Улар ишлаб чиқараётган хашаматли дарвозалар рақобатбардош ва машхур.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандини соғлом ва баркамол, элу юрта фойдаси тегадиган инсон сифатида воёга етишишини орзу қилади. Рустамжон ва Мунира Исоқжоновлар оиласининг тўнғичи Расулжон ҳам ўрта мактабни, сўнг М. Аюзов номидаги университетни тамомлади. Хусусий тадбиркорлик фаолиятини 2021 йилда дўсти Бахтиёр Сидиқхўжаев билан бизнес-режа асосида бошлади. Дастлаб, уйда, сўнг ижарага жой олиб, темирни қайта ишлашдан бошлаб, буюртма асосида дарвоза тайёрлашни йўлга қўйишди. Бугунги кунда даҳанинг учта манзилида фаолият юритаётган цехларда жами 30-35 киши иш билан таъминланган. Дарвозаларни тайёрлайдиган ускуналар Хитойдан келтирилган. 400дан зиёд безакда ишланган хашаматли дарвозалар Қозоғистондан ташқари, қўшни давлатларга ҳам чиқарилади. Уларнинг нархи ҳажмига, сифатига қараб белгиланади. Бундай дарвозаларга мустаҳкам

темир материал ва сифатли автобўёқ ишлатилади. Мазкур корхонанинг бош ҳисобчиси, менежери ҳамда SMM мутахассиси Зокиржон Икромжоновнинг саяё-ҳаракатлари билан корхонанинг фаолияти ижтимоий тармоқларда жуда фаол. Корхона буюртма асосида бир ойда 30дан зиёд дарвоза ишлаб чиқармоқда.

Расулжоннинг укаси Акромжон эса юк машиналарига 30дан зиёд темир ва зангламайидиган пўлатдан деталлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Ушбу икки йўналиш бир-бирини тўлдириб, кўрганда кўзни қувнатадиган бежирим маҳсулотлар яратилаётганига гувоҳ бўласиз.

Ҳар бир касбда устоз бўлиши керак. Шу боис, тадбиркорлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, тизимлаштириш ва самарали бошқариш, соф фойдани ошириш, раҳбарлик йўналишида билимларини чархлаб, малака ошириб туришади. Улар “Perfekt consulting group” асосчиси, бизнес-маслаҳатчи, маркетинг Иброҳим Ғуломовнинг кўплаб сабоқларида иштирок этишади.

Мақсадимиз – қулай бизнес муҳитини яратиш, аҳоли банд-



лигини таъминлаш, Янги Қозоғистон бозорига сифатли ва рақобатбардош маҳсулот билан кириш, дейди тадбиркорлар.

Дарҳақиқат, шижоатли, ишбилармон, янги ғоялар ташаббускори, меҳнатсевар Расулжон Рустамжон ўғли атрофидаги ишончли дўстлари билан ҳамкорликда ўнлаб маҳаллий

иш ўринларини яратиб, одамларни даромадли қилмоқда. У турмуш ўртоғи Хадичахон билан икки фарзандни тарбиялашмоқда. Ота-она дуосини олиб, халқимиз фаровонлиги йўлида астойдил меҳнат қилаётган ёшлар сафи кенгаевверсин.

Мухтабар УСМОҲОВА.



Шимкент шаҳрида ўтган халқаро ижодий, кўп жанрли “Дарын – 2026” фестивал-танлови кўтаринки руҳ ва юксак савияда ташкил этилди. Нуфузли анжуман ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий салоҳиятини янада юксалтириш ҳамда халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилди.

ДАВЛАТ – ГРАН-ПРИ СОҲИБИ

Фестивалда турли давлатлардан келган болалар, ёшлар ва ижодий жамоалар ўз маҳоратларини намоян эдилар. Танловнинг асосий мақсади – иқтидорли ёшлар ва уларнинг устозлари ўртасидаги самарали ҳамкорликни ривожлантириш, санъатга меҳр ва садоқатни мустаҳкамлашдан иборат эди.

Мазкур анжуманда Сайрам даҳасидаги М. Маметова номидаги 111-сонли мактаб ўқувчиси Давлат Зоҳидбаев ўзининг бетакрор истеъдоди ва юксак ижро маҳорати билан иштирок этиб, “Кўрқит кўбиз” номида қозоқ халқ кўшиғини маҳорат билан куйлади. Унинг юракдан чиққан самимий ижроси ҳакамлар ҳайъати ва томошабинларда чуқур таассурот қолдирди. Натижада у танловнинг энг олий мукофоти – Бош совринга муносиб деб топилди.

Ёш санъаткорнинг ушбу улкан ютуғида унинг устози Собиржон Турғунбоевнинг беқиёс меҳнати ва фидокорона саяё-ҳаракатлари муҳим ўрин тутди. Устоз ва шогирд ўртасидаги ишонч ва самарали ҳамкорлик бу ғалабанинг асосий омилларидан бири бўлди.

Бу ютуқ – изланиш, матонат, сабр-тоқат ва юксак орзулар сари интилишнинг ёрқин намунасидир. Ишонамизки, ёш истеъдод келгусида ҳам янги марраларни забт этиб, Ватанимиз шарафини халқаро сахналарда муносиб ҳимоя қилади. Бу ютуқ ёш истеъдод эгаси – Давлат Фаррух ўғлининг келажақдаги муваффақиятлари учун асос бўлади.

Хуршид ҚўЧҚОРОВ.

САРДОРБЕК – МАКТАБИМИЗ ҒУРУРИ



Ўзбекистон Республикаси Қўқон шаҳрида шахар ҳокими кубоги ўтди. WT таснифига мувофиқ ўтказилган спорт беллашувиди А. Навоий номидаги 13-сонли мактаб-гимназиясининг 2-“А” синф ўқувчиси Сардорбек Олимжонов совринли 1-ўринни эгаллаб, мактабимиз шарафини юксалтирди. Бу ғалаба фақат мактабимиз учун эмас, муқаддас Туркистон шаҳрининг обрўсини ҳам оширди.

Таэквандо спортининг халқаро федерацияси (World Taekwondo) таснифи бўйича ташкил этилган мазкур мусобақада қўшни давлатларнинг кучли спортчилари иштирок этди. Юқори тайёргарлик, сабр ва матонатни талаб қилувчи нуфузли спорт тадбирида мамлакат шарафини ҳимоя қилиб, муваффақиятли натижа қўлга киритган ўқувчимиз билан фахрланамиз.

Бу ғалаба спортчи ва уни тарбиялаган ота-онаси, мураббийлари ва мактабимиз жамоасининг ҳам умумий ғалабасидир.

Шерали ТўРАХОНОВ,
А. Навоий номидаги 13-мактаб-гимназия директорининг тарбиявий ишлари бўйича ўринбосари.



ҚАЗИҒУРТЛИК 4 ЁШЛИ ВУНДЕРКИНД



Қазигурт туманидаги Алтинтўбе қишлоғида ақлий салоҳияти билан катталарни ҳайратга солаётган заковатли бола камол топмоқда. Тўрт ёшли Али Адамбек икки хонали, ҳатто уч хонали сонларни ҳаёлан ҳисоблаб, математик амалларни инглиз тилида эркин бажаради. Ижтимоий тармоқлардаги болалар учун инглиз тилидаги ахборотлар билан танишиш натижасида халқаро тилда математик амалларни эркин бажаришига кўнма ҳосил қилди.

Алининг зеҳни ўткирлиги, боғча тарбиячиларининг ҳам ақлини шоширди. У ҳар боланинг ўргангани билан билимларини орғи билан ўзлаштирганини таъкидлаб, уни мактабга беришни маслаҳат беришди. Айни кунда у мактабнинг тайёрлов синфида таҳсил олмақда, мантикий фикрлаш даражаси юқори синф ўқувчилари билан тенглашаётганини исботлади ва ўқитувчилар ҳам унинг тенгдошларига нисбатан салоҳияти анча юқори эканлигига ишонч ҳосил қилишган. “Алтынтўбе” умумтаълим мактабининг муаллимаси Алия Миятбекованинг, Али 5-6-синф ўқувчиларига мўлжалланган мураккаб масалаларни улардан аввал еча олишини маълум қилди.

Болакайнинг онаси билан мулоқотда бўлиб, унинг ноёб иқтидори ҳақида атрофича маълумотларни олди.

– Али октябрь ойида 5 ёшга тўлади, – дейди Алининг онаси Нургул Мирзағали. – 2 ёшдан боғчага борапти. 3 ёшдан саводи чиқди, китобларни бемалол ўқий олади. 100гача сонларни ажрата олади. Даставвал қўшини, сўнг айириш, кўпайтириш ва бўлиш амалларини ўзлаштирди. Унинг айтишича, уч ярим ёшида Али боғчага боргиси келмай қолган. Боладаги қобилиятларни илган боғча тарбиячилари уни мактабга олиб бориб, мактаб муаллимлари кўригидан ўтказишини тавсия қилишган. Унинг зеҳний салоҳияти кун сайин ўсиб бораётганлигидан хурсандимиз. Ҳозир ҳам мактабга қатнаяпти. Бирор янги нарсани ўрганишга чанқоқ. Устозлари унинг синфдошларига нисбатан анча юқори даражада эканлигини таъкидлашади, – дейди онаси.

Математика ўқитувчиси боланинг математик топшириқни бажариш пайтидаги ҳолатини тасвирга олиб, лавҳани ижтимоий тармоққа жойлаганидан сўнг у “машхур бўлди”. Бошқа болалар мультфильм томоша қилишса, у инглиз тилидаги математик дастур ва видеоларни қизиқиб томоша қилади. Ухлашдан аввал эртақ тинглаш ўрнига ярим соат математик амалларни бажариб, кўпайтириш жадвалини мендан сўрашини талаб қилади.

Али фақат математика билан чекланиб қолмаган. Алифони тўлиқ ўзлаштирган ўғлимнинг мақсади – инглиз тилини мукамал ўрганиш. Қазигурт туманида “Калькулятор бола”, номи билан танилган иқтидорли ўқувчининг қобилияти янада чарҳланиб, келажақда ватанимиз номини дунёга танитадиган олимлар сафидан жой олса, ажабмас.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

»» Бир туман хабарлари

МУҲИМ ТАДБИР ЎТДИ

Оқсувкент қишлоғидаги Қ. Жандарбеков номидаги Маданият уйида янги Конституция лойиҳасига бағишланган учрашув ўтди.

Туман “Жамоат тотувлиги” муассасаси раҳбари Базарбай Айтбаев, ҚР “Дўстлик” ҳамжамияти қошидаги Оналар кенгаши раисаси Гулчехра Исмоилова, ҚХА ҳузуридаги туман Оналар кенгаши раисаси Улдана Уразбаева, туман ЭЎМБ қошидаги Оналар кенгаши раисаси Зумрад Аҳмедова, туман медиаторлар кенгаши раисаси Сайёра Довонова ҳамда туман Талабалар ассамблеяси аъзолари иштирок этдилар.

Учрашувда конституциявий ислохотлар мамлакат тараққиётига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлашга, ёшларнинг жамиятдаги ўрнини оширишга қаратилгани алоҳида таъкидланди.

АФҒОН УРУШИ ФАҲРИЙЛАРИГА ЭҲТИРОМ

Туман марказий истироҳат боғидаги ёдгорликлар майдонида Шўро кўшинларининг Афғонистон Демократик Республикасидан олиб чиқилганига 37 йил тўлишига бағишланган тадбир ўтди.

Афғон уруши фахрийлари иштирокида ўтган тадбирда Қ. Жандарбеков номидаги Маданият уйи директори Даултахан Алашбаев, туман Оталар кенгаши раиси Бақтияр Батаев, «Афғонистон уруши фахрийлари ва ногиронлари кенгаши туман бирлашмаси раиси Нуржигит Сердали сўз олиб, мазкур урушнинг халқимиз тарихидаги ўрнини, шунингдек, бугунги кунда фахрийларга кўрсатилган ҳурмат ва эътиборни таъкидлашди.

СОҒЛОМ ТУРМУШ КАФОЛАТИ

Аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оммавий спортни ривожлантириш муҳим вазифадир.

Бу борада Сайрам туманидаги таълим муассасалари томонидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, яқинда Қорабулоқ қишлоғидаги 100-сонли мактаб жисмоний тарбия фани ўқитувчилари ташаббуси билан аҳоли орасида волейболдан мусобақа уюштирилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида мактаб директори Абдирахим Отахонов, маҳалла фаоли Илхомжон Абдукаримов, мусобақа ташаббускори Ғуломжон Алметовлар сўз олиб, иштирокчиларга миннатдорчилик билдирдилар.

Бу сафар жами бта жамоа иштирок этган беллашувни келгусида ҳам давом эттириш режаланди. Фолиб ва совриндорларга мактаб маъмурияти номидан фахрий ёрлик ва совғалар топширилди.

3. МҮМИНЖОНОВ.
Сайрам тумани.

<p>Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОВЕВ.</p> <p>Бош муҳаррир ўринбосарлари: Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазжон БҮРОНБОВЕВ.</p> <p>Масъул котиба – Шаҳноза УСМОҲОВА.</p>	<p>Масъул шахслар:</p> <p>Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22. Қазигурт – Хуршид ҚўЧҚОРОВ. +7701-447-37-42. Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90 Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71. Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОҲОВА. +7701-257-36-97 Келес, Саригонч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82 Кентов, Сўзоқ – Рўзиқун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.</p>	<p>Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги. Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.</p> <p>Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34ҒУҲ0022503 сувоҳнома берилган.</p> <p>“ERIJUR-011” МЧБ Ўзбекистонда чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимутов кўчаси, 22.</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават. Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05 Электрон почта: janubiy@inbox.ru</p> <p>Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 10650 нусха.</p> <p>Бўғим № 348</p> <p>Навбатчи муҳаррир: Малика ЭЛТОЕВА.</p>
-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------